

## **ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИДА КОМПОЗИЦИОН ТИЗИМ ЯРАТИШ**

**АБДУЛЛАЕВ С.А.**

К.Беҳзод номидаги МРДИ “Дастгоҳли рангтасвир”

кафедраси профессори, ЎзБА Академиги

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада дастгоҳли рангтасвир соҳаси таълими доирасида талабалар томонидан бажариладиган ўқув топшириқларида композицион тизим яратиш масалаларининг муаммолари жихатлари ёритилган. Шунингдек, мақолада ушбу масаланинг ечимларига доир мулоҳаза ва муаллифнинг шахсий хулосалари жаҳон ва ўзбек рангтасвир санъатининг атоқли намоёндалари асарларида шакллантирилган композицион қонуниятлар мисолида таҳлил этилган.*

**Калит сўзлар:** композицион тизим, рангтасвир санъати, ўқув топшириқлари, жаҳон ва ўзбек рангтасвир санъатининг атоқли намоёндалари асарлари

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье описаны проблемы создания композиционной системы в произведениях станковой живописи, выполняемых студентами в рамках обучения в области станковой живописи. Также в статье анализируются размышления над решением данного вопроса и личные выводы автора на примере композиционных законов, сформировавшихся в произведениях известных представителей мировой и узбекской живописи.*

**Ключевые слова:** композиционная система, искусство живописи, учебные задания, произведения известных представителей мировой и узбекской живописи.

### **КИРИШ**

Тасвир асарга айланишида кўплаб қоидаларга бўйсунди, аммо асосийси муаллифнинг воқеликка бўлган дунёқараши ифодаси маҳсули. Эътиборни тортадиган жойи шундаки, тасвирий санъат дурдона ва нодир асарлари асосан асар яратиш қоидаларидан хабардор, билимдон, асар яратиш қоидаларини яратган ва илмий асослаган рассомлар тарафидан яратилган. Ҳар қандай асар, айниқса тасвирий санъат асари - бу муаллифнинг маҳорат борасидаги барча имкониятларининг маҳсули саналади.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда “Дастгоҳли рангасвир” соҳаси доирасидаги таълим тизимларида ўқув топшириқларини мато юзасида композицион жойлаштиришга мос тизим яратишнинг анъанавий тизим ва тажрибаларини уйғунлаштирган педагогик фаолиятларни йўлга қўйишга қаратилган тадқиқот ишлари доирасида бажарилмоқда. Бу борада А.Икромжонов, С.Абдуллаев, С.Рахметов, М.Нуритдинов, Д.Азизов, Э.Хаитовлар томонидан тайёрланган ўқув ва услубий қўлланмалар, дарслик ва албом-каталоглар бугунги кунда соҳа доирасидаги илғор дастурлар асосида шакллантирилганлигини қайд этиш жоиз.

## **МУҲОКАМА**

Яхлитлик, типиклик, контраст, композициянинг барча ифода воситаларининг ғоявий мазмунига боғлиқлиги асар яратиш асосий қонунларидан ҳисобланади.

Яхлитлик қонуниятини асарда руёбга оширилиши оқибатида санъат асари ажралмас бутунлик сифатида идрок этилади. Қонуниятнинг энг муҳим хусусияти композицион яхлитлик - бунда асар ажралмас бирлик сифатида идрок этилади.

Композициядаги бўлинмаслик конструктив ғояни расом томонидан топилиши орқали вужудга келади, бу ғоя ўз навбатида бўлажак асарнинг барча таркибий қисмларини бир бутун қилиб бирлаштиради. Конструктив ғояни топиш, композиция асосий қисмини белгилагандан сўнг, унинг таркибига кирувчи майда қисмларни аниқлашга ўтилади. Бўлажак асар композицияси қораламалардаги иш чоғидаёқ ёритилажак ғоянинг асар фазосидаги ҳолати, конструктив ечимини топгандан сўнг асар атрибутлари ўзаро муносабати белгиланади.

Ж. Умарбековнинг "Мен инсон" асарига композицион изланиш вариантларида кўпбурчак асарнинг конструктив ғоясига асос бўлганини кўрсатади. Шунинг учун ҳам асарни кузатганимизда уни яхлитлик қонунига мослигини кўрамиз. Агар асар майда қисмлардан йиғилган бўлиб, конструктив ғояга асосланмаган бўлса асар яхлит тарзда эмас, айрим жиҳатларигина кўзга ташланади.

Композицияни ташкил этувчи атрибутлар ўзаро боғлиқ ва мувофиқлиги яхлитлик қонуниятининг яна бир жиҳати ҳисобланади. Конструктив ғоядан келиб чиққан ҳолда асар иккинчи даражали элементларини ўзига бўйсундирувчи диққат маркази вужудга келади. Воқеъликни намоён бўлиши ўз навбатида яхлитлик қонуни орқали идрок этишни талаб килади. Табиатда шакл

ва ранг яхлитликнинг талаб натижаси сифатида мавжуд булиб фазога мос ва ўзаро алоқада намоён бўлади. Яъни, асар юзасида табиатдаги шакл, жисм ва жуссаларнинг узок ёки яқинлик нуқтаи назаридан перспективали геометрик қисқариши ва хаво перспективаси картинада воқелик фазосининг чуқур ёки нисбатан саёзлигида намоён бўлади.

Мукамалликка эришилган композицияда асарнинг барча элементлари уйғунлашган ҳолга келдики, улардан бирортасига етказилган зарар бутун асарга таъсир этади. Юқорида кайд этганимиздек, мукамалликка эришилган асарда ташкил этувчи барча элементлар ўзаро мос ҳолга келтирилганлиги билан ажралиб туради. Яхлитлик қонунияти композиция қисмларини бетакрорлигини талаб этади.

Бунда шакл, ўлчам, оралик масофа, сиймолари имо-ишоралар композициянинг барча ифода воситалар гармоник муносабати яратилган асар муваффақияти гаровига айланади ва ўз навбатида бадиийяти боис умумийлик ва ўзига хосликни ташкил этади. Шу маънода Р. Ахмедовнинг "Оналик тонги" асарида эрта тонгда фарзандини эмизаётган аёл ва уйқудаги қиз жуссаси ягона силуэт сифатида яхлит кўринади. Онанинг эгилган жуссаси шабадада тебранаётган тераклар биргаликда асар диогоналини белгилаб композицион ифодалигига хизмат қилади.

Типиклик қонунияти-уч асосий хусусияти билан ажралиб туради. Асарда акс эттирилган характерлар ва ҳолатлар типиклиги - бу бадиий образ яратиш қонуниятининг асоси ҳисобланади ва ўзига хос хусусият оркали типиклик алоҳидалиқдан – умумийлика бўлган жараёнлар воситасида эришилишида акс этади.

Масалан, рассом А.Волковнинг "Узум терувчи қизлар" асарида қизлар - ҳар бири алоҳида - алоҳида характер ва бир пайтнинг ўзида - ёш ўзбек қизлари сиймолари. Волковнинг бошқа асарларида ҳам ўзбекларга хос типиклик ўз аксини топган бўлишига қарамасдан ҳар бир образ ўзгача.

Рассомлар асарларидан Н.М.Қўзибоевнинг "Чинор", Н.Қараханнинг "Буғдойзор", Тансиқбоевнинг "Қатта қурғон сув омборлари" каби манзара асарлари ифода воситалари турли бўлишига қарамасдан кўз олдимизда мазмунли, қизиқарли, гўзал манзара тасвирланган ва шу билан бир пайтда Ўзбекистон табиатининг тиниқ образи гавдаланади.

Портрет соҳасида бадиий образ яратиш намунасини А.Абдуллаевнинг "Назарали Ниёзов" портретини келтириш мумкин. Унда рассом бир қатлам кишиларнинг умумлашма образини яратади. Бир шахснинг ўзига хос образ ечими рассом меҳнати туфайли умумлашма образга айланади.

Тасвирий санат асарида ҳаракатни ифодалаш унинг давр жихатидан ўсиб боришини типиклаштириш қонуниятининг иккинчи хусусияти дейиш мумкин.

Сюжетни ҳаракатда кўрсатадиган бошқа санъат турларидан (театр, кино) фарқли ўларок тасвирий санъат сюжет ривожини лаҳзасини кўрсатади. Шу маънода тасвирий санъатдаги ҳаракат ҳақида гап кетганда ҳаракатни хис қилишни акс эттириш тушунилади. Бу ҳисга эришиш учун тасвир этилаётган ҳолатдан кульминацион нуқтани илгаб олиш зарур. Типиклаштириш қонуниятининг бу хусусияти асарда булмаслиги композицияни қотиб қолган ҳолатига олиб келади, унда ҳаётликни йўқотган.

Ҳаракатгина талқин этилаётгандек бўлади. Айнан шунинг учун ҳам рассомнинг ҳаётни ҳаракатда кўра олиш қобилиятига муҳим аҳамият берилади.

Бир фигурали композицияларда юқоридаги вазифани ҳал этиш анча мушкул, кўп фигуралида эса персонажларнинг турли ҳолат ва ҳаракатлари композицияда очиб берилган кўпгина манавий руҳий алоқалар орқали боғланади.

Ж. Саидовнинг "Аския" асарида томошабин фақат тасвирга олинган лаҳзанигина эътироф этиб қолмасдан асар қаҳрамонлари кўтаринки руҳияти, завқ ва шавқ, характерлари турлилиги ўзига хос ифодаларда тасвирланган бўлиб, воқеъликнинг чуқур ифодали жараёни ёритилган.

Янгиликка хослик типиклаштириш қонуниятининг учинчи хусусияти ҳисобланади. Реалистик санъат воқеъликни фақатгина ҳаққоний тасвирлаб қолмайди. У борликни рассом томонидан эстетик кашф этилишини кўрсатади, рассомнинг оддий ҳаётдан олаётган завқ-шавқини ифодалайди.

Тасвир этилаётган воқеъликни эстетик ўзлаштириш санъатнинг ўзига хос томонларидан бири, бусиз у ўзининг акси санъатсизликни келтириб чиқаради. Табиийки, бадий образ композицион ечимнинг эстетик сифати ва янгилиги, рассом кашфиётини ўзида акс эттиради. Борликни эстетик кашф этиш Микеланджело, Тициан, Рембрандт, А. А. Дейнека, У. Тансиқбаев, Р. Аҳмедов, Б. Жалолов қабиладарнинг асарларида сезилади. Уларнинг асарларида янгилик тематикасида ҳам, бадий воситаларида ҳам, композицион кўрилмасида ҳам кўринади. У. Тансиқбоевнинг "Табиат қўшини", Д. Имомовнинг "Зомин манзаралари", Қарахоннинг тоғ манзараларида янгилик талқинга, янгилик даражасини англаш мумкин.

Композициянинг асосий қонуниятидан ҳисобланадиган контрастлар қонуни бўлиб, у асарнинг таъсир кучини ва ифодавийлигини оширади. Мумтоз санъаткорлар тасвирий санъат ифодавийлигида контрастга катта аҳамият берганлар Леонардо да Винчи "Рангтасвир ҳақида рисола"да ўлчамлар

контрасти ҳақида (каттани кичик, йўғонни ингичка билан), характерлар контрасти, фактура ва ашёлар контрасти ҳақида гапиради:

Микельанджело уз ижодида жисм ва юза контрарастига катта этибор беради. Унинг асарларида асар юзаси йирик (тизимли жуссалар билан тўлдирилиб, маҳобатлилик намоён этади)

Контрастлар орқали санъат асарида ифодалилик кучи ортади. Контрастлар орқали ёруғнинг сояга муносабатида жозибалилик пайдо булади. Ёруғ соя "ўйини" бўлмаган жойда шакл ифодалилиги юзага келмайди. Портретда тон (тус) лар контрасти катта аҳамият касб этади. Қуюқ тўқ муҳитда ёркин жусса ўзига хос ифода ташкил этган.

Ушбу услубдан 19 аср охирларига қадар кўплаб рассомлар фойдаланганлар 20 асрга келиб ранг тасвир янги контрастни кашф этди. Ёркин фонда тўқ жусса силует ифодалигига янги кўринишини яратади.

Тасвирий санъатда контраст тус яни тонда балки ранглар контрастида ҳам ифодавийликнинг муҳим кўринишини ҳосил қилади. Бу иссиқ ва совуқ ранглар контрасти-ранглар табиатан ўзига контраст ташкил этувчи рангларга бўлган нисбий муносабати орқали рангтасвирлилик пайдо бўлади.

Табиий ранглар ўзаро контрасти яшилнинг қизилга сариқнинг мовий рангга, оқнинг қорага нисбатлари асардаги ифодаси ўзига хос жозоба яратади.

3.Иноғомовнинг "Нонуштага" асарида конструктив ғоя асар чеккасидаги йирик аёл жуссаси ва буғдой гарами иккинчи чеккадаги иш қилаётган инсонлар жуссаси мувозанатга тўғри топилганлиги асар ечими муваффақиятини белгилайди.

Маҳобатли рангтасвирда ҳам ифодавийлик контрастлар муносабати орқали амалга оширилади. Ж.Умарбековнинг "А.Темурнинг элчиларни кутиб олиниши" асаридаги ифодалилик айнан шу принципларга асос бўлган. Бу ерда А. Темур ва тарихчи (Али Яздий) жуссалари ва маълум бир масофа узоклигидаги йирик тасвирланганлиги маҳобатлилик хиссиётини туғдиради. Шундай қилиб маҳобатли рангтасвирида асар фазоси олд қисмидаги йирик жуссаларнинг орқалардагисига нисбати контрасти пайдо булади.

Тасвирий санъатда яна бир контраст, ғоялар тўқнашуви контрасти ажойиб рус рассоми Н.Н.Генинг "Сирли оқшом" асарида асар қахрамони пайғамбар Исо унинг рақиб Иуда орасидаги ғоялар кураши ҳам тасвирий воситалар-Исонинг файзли сиймоси ва Иуданинг ғояларидан чекинмас иродаси контрасти, тасвирий воситалар-ижобий қахрамонлар ёркин тасвирлари ва уданинг силуети (куланкали) тасвири берилган.

Демак, композицияда контраст (муқояса)нинг ўрни кўп қиррали, у композициянинг ҳар бир элементларига тегишли. Композициянинг барча воситаларини ғоявий мазмунга боғлиқлиги ўз навбатида рассомни тасвирланаётган воқеъликни яхлит идрок этишга, шакл ифодаларини ғоявий мазмунга бўйсундиришни талаб этади. Бадиий асар бу рассомнинг тасвирланаётган воқеъликка бўлган муносабати унинг ифодаси рассом асарида ўз урнини топган тақдирдагина оддий тасвирдан "бадиий асар даражасига кўтарилади.

Бу қонуният фазо, ранг, тон ва шакл пластика, ва ҳаракат ёки ҳолат симметрия ёки ассиметрия муносабатлари ўзаро гармониясини талаб этади. Асар таъсирчанлигига композициянинг барча ифода воситалари гармоник ечими орқали эришилади.

### **ХУЛОСА**

Композиция барча қонуниятлари ва воситаларини асар ғоясига бўйсундирилиши, рассомнинг онги ва маҳорати юксак эканлигини белгилайди. Рассомнинг дунёқараши асарларида аксини топар экан, унинг манавиятини бойитиш, бунёдкорликка йўналтирилган асарлар яратиш мақсадларини қўймоқлари рассомнинг билим ва дунё, ҳамда жамиятга булган муносабати нафақат тафаккурини, балки ҳиссиётларини ҳам белгилаб бергандагина унинг асарлаби тўлақонли бўлади. Албатта таҳрир асарга айланишида кўплаб қоидаларга бўйсундирилади, аммо асосийси муаллифнинг воқеъликка бўлган дунёқараши ифодаси маҳсули, эътиборни тортадиган ҳақиқат шундан иборатки, тасвирий санъат дурдона ва нодир асарлари асосан асар яратиш қонун қоидаларидан хабардор, билимдон, шундай қоидалар шаклланишига хизмат қилган ва илмий асослаганлар томонидан яратилган, улар Л.Алберти, Леонардо да Винчи, Пуссен, Д. Рейнольдс, Э.Делакура, Хогарт, Фаворский, К.Абдуллаев, Ч.Ахмаров ва бошқа кўплаб рассомлар. Ҳар қандай тасвирий санъат асари-бу муаллифнинг барча имкониятлари ифодаси, яъни таланти ва професионал сифатлари кўзгуси.

### **ҲИДОДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)**

1. Э.Делакура. Мысли об искусстве, о знаменитых художниках. М.: Академия Художеств СССР. 1960 г.
2. Б.Виппер. Введение в историческое изучение искусства. М.: Изобразительное искусство. 1985 г.